

Шавкат Мирзиёев: Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги - ёшлар



Давлатимиз раҳбари халқقا Мурожаатномасида мактаб ўқувчиларини хорижий тиллар ва касб-хунарга ўргатиш заруратини айтган эди. 20 январь куни бу борадаги вазифалар бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши режалаштирилди.

Бу мақсад жойларда ҳаётга кўча бошлади. Хусусан, Андикон туманидаги 55-умумтаълим мактаби таъмирланиб, қўшимча шароитлар яратилди. Мактабнинг бўш турган ертўласи тадбиркорларга ажратиб берилиб, ёшларни касбга йўналтириш йўлга қўйилди.

Президентимиз ушбу хоналарни кириб қўрди.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари бу ерда тикувчилик, мебелчилик, қандолатчилик, косибчилик, сават тўкиш, кўрпа-тўшак тикиш каби йўналишларни ўрганмокда. Шунингдек, мактаб ҳудудида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пайвандлаш, типография, компьютер хизмати ва салонлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

- Эътибор берсангиз, касб эгалламай ўқиши битирганлар ҳаётда қийналади, иш тополмайди. Кимнинг қўлида ҳунари бўлиб, чет тилини билса, йўли очиқ. Сизларда шундай имконият бор. Ўзингизни қийнаб, қунт билан билим олинг, ҳунар ўрганинг. Қарорлар, саъй-ҳаракатлар қачон натижа беради? Мутахассис зўр бўлса. Инвесторлар ҳам кадрларнинг билим ва малакасига ишониб келади. Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги - ёшлар, - деди Шавкат Мирзиёев.



[Манба](#)